«Ўзбекгеофизика» АЖ
Кузатув кенгаши томонидан
4 июнь 2022 йилда
«ТАСДИҚЛАНГАН»

“ЎЗБЕКГЕОФИЗИКА” АЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ХУЗУРИДАГИ ТАЙИНЛОВЛАР ВА МУКОФОТЛАШ ҚУМИТАСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

"УТВЕРЖДЕНО"
Наблюдательным советом
АО "Узбекгеофизика"
4 июня 2022 г.

ПОЛОЖЕНИЕ О КОМИТЕТЕ ПО НАЗНАЧЕНИЯМ И ВОЗНАГРАЖДЕНИЯМ ПРИ НАБЛЮДАТЕЛЬНОМ СОВЕТЕ АО «УЗБЕКГЕОФИЗИКА»

I. Умумий қоидалар	I. Общие положения
1.1. Мазкур Низом (кейинги ўринларда - Низом) Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги ПФ-101-сон Фармонига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “2021 - 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 166-сон қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган стратегияга, «Ўзбекгеофизика» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) уставига, Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Жамият Кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитасининг (кейинги ўринларларда – Қўмита) ҳуқуқий мақомини, таркибини, ваколатларини ва унинг ишлаш тартибини белгилайди.	1.1. Настоящее Положение (далее – Положение) разработано в соответствии с Законами Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров» и «О противодействии коррупции», Указом Президента Республики Узбекистан от 8 апреля 2022 года № УП-101 «Об очередных реформах по созданию условий для стабильного экономического роста путем улучшения предпринимательской среды и развития частного сектора», стратегией утвержденной постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 29 марта 2021 года № 166 «Об утверждении стратегии управления и реформирования предприятий с государственным участием на 2021 - 2025 годы», уставом акционерного общества «Узбекгеофизика» (далее – Общество), разработано в соответствии с уставом, Положением о Наблюдательном совете и другими нормативно-правовыми документами, а также правовым положением, составом, полномочиями и полномочиями Комитета по назначениям и вознаграждениям. При Наблюдательном совете Общества (далее – Комитет) определяет порядок.
1.2. Қўмита энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва Жамиятнинг Кузатув кенгашига кадрлар ва мукофотлаш соҳасида тавсиялар тайёрлаш учун Жамият Кузатув кенгашининг қарори асосида ташкил этилади. Қўмита Жамият Кузатув кенгашининг доимий фаолият юритувчи ишчи органи ҳисобланади.	1.2. Комитет создается на основании решения Наблюдательного совета Общества для рассмотрения наиболее важных вопросов и подготовки рекомендаций Наблюдательному совету Общества в области кадров и вознаграждений. Комитет является постоянно действующим рабочим органом Наблюдательного совета Общества.
1.3. Қўмита ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик, Жамият устави, Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом ва мазкур Низомга асосан амалга оширади.	1.3. Комитет осуществляет свою деятельность в соответствии с действующим законодательством, уставом Общества, Положением о Наблюдательном совете и настоящим Положением.
II. Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитасининг таркиби	**II. Состав Комитета по назначениям и вознаграждениям**
2.1. Қўмита фақат Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан 3 кишидан иборат таркибда ташкил этилади. Қўмита таркибига камида бир нафар Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси киритилиши шарт.	2.1. Комитет формируется из числа членов Наблюдательного совета Общества в количестве 3 (трех) человек. В состав Комитета должен входить как минимум один независимый член Наблюдательного совета.

2.2. Қўмитанинг аъзолари Жамият Кузатув кенгаши раисининг тавсияси асосида Кузатув кенгаши аъзоларидан уларнинг ваколат муддати даврига кўпчилик овоз билан сайланади. Қўмитанинг раиси Қўмита аъзолари орасидан Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. Қўмитанинг раиси Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаслиги лозим.	2.2. Члены Комитета избираются большинством голосов членов Наблюдательного совета на срок их полномочий по рекомендации Председателя Наблюдательного совета Общества. Председатель Комитета утверждается наблюдательным советом Общества из числа членов Комитета. Председателем комитета не может быть председатель Наблюдательного совета Общества.
2.3. Қўмитанинг таркибига сайланган Кузатув кенгаши аъзолари чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.	2.3. Члены Наблюдательного совета, избранные в состав Комитета, могут переизбираться без ограничений.
2.4. Қўмита аъзоларини сайлаш вақтида ўз ваколатларидан тўлақонли фойдаланишлари учун уларнинг маълумоти, касбий маҳорати, қўмита фаолияти соҳасидаги иш тажрибаси ва бошқа махсус билимга эга эканликлари инобатга олиниши зарур.	2.4. При избрании членов комитета необходимо учитывать их образование, профессиональные навыки, опыт работы в сфере деятельности комитета и другие специальные знания для полноценного использования своих полномочий.
2.5. Қўмитага раҳбарлик қилиш ва фаолиятини ташкил этиш Қўмита раиси томонидан амалга оширилади. Қўмита раисининг вақтинчалик йўқлигида раис вазифасини бажариб туриш аъзолардан бирига юклатилиши мумкин.	2.5. Председатель Комитета несет ответственность за руководство и организацию работы Комитета. На время временного отсутствия председателя Комитета одному из членов может быть поручено выполнение функций председателя.
2.6. Қўмита аъзолари ўртасидаги функциялар тақсимланиши Қўмитанинг раиси томонидан амалга оширилади.	2.6. Распределение функций между членами Комитета осуществляется Председателем Комитета.
III. Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитасининг асосий вазифалари	**III. Ключевые обязанности Комитета по назначениям и вознаграждениям**
3.1. Қўмитанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: Кузатув кенгаши ҳамда Жамиятнинг кадрлар сиёсати ва ташкилий ривожланиши бўйича қарорлари, шунингдек ички ҳужжатлари ижросини назорат қилиш; Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ва аъзолари лавозимларига номзодлар бўйича Кузатув кенгашига тавсияларни шакллантириш; Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланадиган номзодлар бўйича тавсияларни шакллантириш; Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ва аъзоларини сайлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш, шу жумладан, улар билан меҳнат шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш масалаларини кўриб чиқиш;	3.1. Основные задачи Комитета заключаются в следующем: контроль за исполнением решений Наблюдательного совета и кадровой политики и организационного развития Общества, а также внутренних документов; формирование рекомендаций Наблюдательному совету по кандидатурам на должности руководителя и членов исполнительного органа общества; формирование рекомендаций по кандидатурам для избрания в Наблюдательный совет Общества; избрание руководителя и членов исполнительного органа Общества, рассмотрение вопросов о досрочном прекращении их полномочий, в том числе досрочном прекращении трудового договора с ними;

Қўмитага маълум бўлган барча ахборотлар асосида Жамиятнинг Кузатув кенгашига номзоди кўрсатилган шахсларнинг касбий малакаси ва мустақиллигини таҳлил қилиш;	анализ профессиональной квалификации и независимости лиц, выдвинутых в Наблюдательный совет Общества, на основании всей информации, известной Комитету;
Кузатув кенгаши ва унинг қўмиталари иши тартиботларини такомиллаштиришга нисбатан тавсиялар ишлаб чиқиш;	выработка рекомендаций по совершенствованию процедур работы Наблюдательного совета и его Комитетов;
Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси лавозимига номзодлар бўйича Кузатув кенгашига тавсияларни шакллантириш;	формирование рекомендаций Наблюдательному совету по кандидатурам на должность корпоративного советника общества;
Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини ва Кузатув кенгаши қўмиталарини ўзини-ўзи баҳолаш ёки ташқи баҳолаш бўйича ҳар йили расмийлаштирилган тартиботни ўтказиш, Жамиятнинг йиллик ҳисоботига киритиш учун ўзини-ўзи баҳолаш ёки ташқи баҳоланиш натижалари тўғрисида ҳисобот тайёрлаш;	проведение ежегодных формализованных процедур самооценки или внешней оценки членов Наблюдательного совета и комитетов Наблюдательного совета, подготовка отчета по результатам самооценки или внешней оценки для включения в годовой отчет Общества;
Кузатув кенгаши аъзоларининг шахсий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кенгашнинг айрим аъзолари учун ўқитиш ва малака ошириш дастурларини шакллантириш ҳамда ушбу дастурларнинг амалга оширилиш устидан назорат қилиш;	формирование программ, обучения и повышения квалификации для отдельных членов правления с учетом личных потребностей членов Наблюдательного совета, и контроль за выполнением этих программ;
Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари, ижроия органи раҳбари ва аъзолари ҳамда бошқа мансабдор шахсларини мукофотлаш сиёсатини ишлаб чиқиш, зарурат бўлганда, уни қайта кўриб чиқиш ва унга ўзгартиришлар киритиш;	разработка политики вознаграждения членов Наблюдательного совета, руководителя и членов исполнительного органа, и других должностных лиц, при необходимости ее доработка и внесение в нее изменений;
Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ва аъзоларини, Кузатув кенгаши аъзоларини ҳамда бошқа мансабдор шахсларини мукофотлаш бўйича таклифлар (тавсиялар)ни шакллантириш;	формирование предложений (рекомендаций) о награждении руководителя и членов исполнительного органа общества, членов Наблюдательного совета и других должностных лиц;
Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ва аъзоларини ҳамда бошқа мансабдор шахсларининг фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш;	анализ и оценка деятельности руководителя и членов исполнительного органа общества и иных должностных лиц;
Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ ва (ёки) компенсация тўлаш бўйича қарор қабул қилиш учун Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибига масалаларни тайёрлаш ва киритиш;	подготовка и включение вопросов в повестку дня общего собрания акционеров Общества для принятия решения о выплате вознаграждений и (или) компенсаций членам Наблюдательного совета Общества;
Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш учун олдиндан кўриб чиқиш ва таклифлар тайёрлаш;	предварительное рассмотрение и подготовка предложений к утверждению организационной структуры Общества;
Мукофотлаш сиёсатида назарда тутилган мезонлардан келиб чиқиб Жамиятнинг ижроия органи ва бошқа раҳбар ходимларининг йил натижаларига кўра фаолиятини дастлабки баҳолаш;	предварительная оценка деятельности исполнительного органа и другого руководящего состава Общества по итогам года на основании критериев, предусмотренных политикой вознаграждения;

Йил натижалари бўйича корпоратив маслаҳатчи фаолиятини дастлабки баҳолаш ва корпоратив маслаҳатчини мукофотлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш; Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари, ижроия органи раҳбари ва аъзолари ва бошқа мансабдор шахсларни мукофотлаш тўғрисидаги ахборотнинг ўз вақтида ошкор қилиниши устидан назорат олиб бориш; Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа хужжатларига киритиш учун Қўмита фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот тайёрлаш ва тақдим этиш; Кузатув кенгаши томонидан юклатилган бошқа вазифаларни бажариш.	предварительная оценка деятельности корпоративного консультанта по итогам года и разработка предложений по поощрению корпоративного консультанта; контроль за своевременным раскрытием информации о награждении членов Наблюдательного совета Общества, руководителя и членов исполнительного органа и иных должностных лиц; подготовка и представление отчета о результатах деятельности Комитета для включения в годовой отчет и другие документы Общества; выполнение иных задач, поставленных Наблюдательным советом.
IV. Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби	**IV. Порядок организации и проведения заседаний Комитета по назначениям и вознаграждениям**
4.1. Қўмитанинг мажлиси Қўмита раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Қўмитанинг аъзоларининг талабига кўра, шунингдек, Жамият ижроия органи раҳбарининг ёзма талабига кўра чақирилади.	4.1. Заседание Комитета созывается Председателем Комитета по собственной инициативе, по требованию членов Комитета, а также по письменному требованию руководителя исполнительного органа Общества.
4.2. Қўмита ҳар чорак якунига кўра, зарур бўлганда ҳар ойда, қўмита аъзоларининг шахсан иштирокида ёки бошқа алоқа тармоқларидан фойдаланиш йўли билан ўз мажлисларини ўтказиб туриши лозим. Қўмита Жамиятнинг ижроия органи ва бошқа шахсларни Қўмита мажлисларига қатнашиш учун таклиф қилиши, шунингдек зарур бўлганда улардан ахборот талаб қилиши мумкин.	4.2. Комитет должен проводит свои заседания в конце каждого квартала, при необходимости ежемесячно, с личным участием членов Комитета или с использованием других средств связи. Комитет вправе приглашать исполнительный орган Общества и иных лиц для участия в заседаниях Комитета, а также запрашивать у них информацию в случае необходимости.
4.3. Қўмита аъзолари муайян масаланинг кечиктирилмай ҳал этилишини талаб қиладиган қоидабузилишлар аниқланган тақдирда Қўмитанинг шошилинч мажлисини чақирилишини талаб қилишлари мумкин.	4.3. Члены Комитета вправе потребовать созыв срочного заседания Комитета в случае выявления нарушений правил, требующих безотлагательного решения конкретного вопроса.
4.4. Қўмита ўз мажлисларини Жамият Кузатув кенгаши мажлисларидан олдин ўтказади.	4.4. Комитет проводит свои заседания перед заседаниями Наблюдательного совета Общества.

4.5. Қўмитанинг раиси Қўмита мажлисидаги барча иштирокчиларга уни лозим даражада ўтказишга тайёргарлик кўриш ва унда олиб чиқилган масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этиш имкониятларини яратади. Қўмитанинг аъзолари Қўмита мажлисларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳамда уларда иштирок этиш учун етарли даражада вақт ажратишлари лозим.	4.5. Председатель Комитета создает возможности для всех участников заседания Комитета должным образом подготовиться к нему и активно участвовать в обсуждении поднятых на нем вопросов. Члены Комитета должны выделять достаточно времени для подготовки к проведению заседаний Комитета и участия в них.
4.6. Қўмита мажлисида унинг аъзоларининг энг камида 2/3 қисми иштирок этса, мажлис ваколатли ҳисобланади, бунда Қўмита раиси иштирок этиши шарт.	4.6. Если в заседании Комитета участвует не менее 2/3 его членов, заседание считается правомочным, и на нем должен присутствовать председатель Комитета.
4.7. Қўмитанинг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.	4.7. Решения на заседании комиссии принимаются большинством голосов присутствующих на заседании.
4.8. Қўмитанинг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Қўмитанинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Овозлар тенг келган тақдирда, Қўмита раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Қўмитанинг қарорига розилик билдирмаган Қўмита аъзоси ўзининг мажбурий тартибда мажлис баённомасига илова қилинадиган алоҳида фикрини қайд этиб қўйиш ва уни Кузатув кенгаши эътиборига ҳавола қилиш ҳуқуқига эга.	4.8. При решении вопросов на заседании Комитета каждый член Комитета обладает одним голосом. В случае равенства голосов голос председателя Комитета является решающим. Член Комитета, не согласный с решением Комитета, вправе зафиксировать свое особое мнение, которое в обязательном порядке приобщается к протоколу заседания, и довести его до сведения Наблюдательного совета.
4.9. Қўмитанинг қарори Қўмита мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Ушбу баённома Қўмита котиби томонидан юритилади ва овоз беришда иштирок этган Қўмита аъзолари томонидан имзоланади.	4.9. Решение Комитета оформляется протоколом заседания Комитета. Ведение данного протокола осуществляется секретарем Комитета и подписывается членами Комитета, принявшими участие в голосовании.
4.10. Қўмита мажлисларига котиблик қилиш вазифасини Жамиятнинг Геология ва геофизик ишлар бўйича бошқарув раиси ўринбосари бажаради.	4.10. Заместитель председателя правления по геологии и геофизическим работам Общества выполняет функции секретаря заседаний Комитета.
4.11. Қўмитанинг раиси: Қўмитанинг ишини ташкил этади; Қўмита мажлисларида баённома юритилишини ташкил этади; Жамият ички меъёрий ҳужжатлари ва мазкур Низомда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.	4.11. Председатель Комитета: организует работу Комитета; организует ведения протоколов заседаний Комитета; реализует внутренние нормативные документы Общества и иные действия, предусмотренные настоящим Положением.

4.12. Қўмитанинг котиби: Қўмита мажлислари баённомаларини юритади ва расмийлаштиради; Қўмита томонидан кўриб чиқилиши учун кун тартибидаги масалалар бўйича материалларни тайёрлайди ва тақдим қилади; Қўмитанинг қарорларини, хулосаларини ва баённомаларини олувчиларгача етказади.	4.12. Секретарь Комитета: ведет и оформляет протоколы заседаний Комитета; подготавливает и представляет материалы по вопросам повестки дня на рассмотрение Комитета; доводит решения, выводы и отчеты Комитета до адресатов.
4.13. Қўмита ваколати доирасида қабул қилинган барча қарорлар қабул қилинган кунидан бошлаб, Жамият ижроия органи ва бошқа мансабдор шахслари учун ижро этиш мажбурийдир. Ушбу қарорларда кўрсатиб ўтилган мансабдор шахслар қарорнинг ўз вақтида ҳамда қарор ижросига мос равишда бажарилишига шахсан жавобгардирлар. Қўмита қарорлари ижросини назорат қилиш Қўмита раиси томонидан амалга оширилади.	4.13. Все решения, принятые в пределах компетенции Комитета, обязательны для исполнения исполнительным органом и иными должностными лицами Общества со дня их принятия. Должностные лица, указанные в этих решениях, несут личную ответственность за своевременное и надлежащее исполнение решения. Контроль за выполнением решений Комитета осуществляет Председатель Комитета.
V. Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	**V. Права и обязанности членов Комитета по назначениям и вознаграждениям**
5.1. Қўмитанинг аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга: Жамият ижро органи аъзоларининг ва Жамиятнинг бошқа мансабдор шахсларидан ўз фаолияти учун керакли барча ҳужжатларни ва материалларни тақдим этишни талаб қилиш; Жамиятга жиддий моддий зарар етказилишига олиб келган ёки етказилишига олиб келиши мумкин бўлган қоидабузилишлар аниқланса, ижроия органи мажлиси чақирилишини талаб қилиш; Жамиятнинг таркибий бўлинмалари ходимлари, шу жумладан раҳбарларидан кўриб чиқилаётган масалалар бўйича изоҳлар талаб қилиш; айбдор ходимларни интизомий, мулкий ва бошқа турдаги жавобгарликка тортиш масалаларини раҳбариятига кўриб чиқиш учун тақдим қилиш; Жамиятнинг дастлабки бухгалтерия, молия ва бошқа ҳужжатларидан фойдаланиш; Қўмита ваколатлари доирасидаги қарор ва топшириқларни бажариш, Қўмита мажлисларида иштирок этиш мақсадида зарур	5.1. Член комитета имеет следующие права: требовать от членов исполнительного органа Общества и иных должностных лиц Общества предоставления всех необходимых документов и материалов для их деятельности; требовать созыв собрания исполнительного органа в случае выявления нарушений устава, повлекших или могущих причинить крупный материальный ущерб Обществу; запрашивать комментарии по рассматриваемым вопросам у работников структурных подразделений общества, в том числе их руководителей; вынесение на рассмотрение руководства вопросов о дисциплинарной, имущественной и иного вида ответственности виновных работников. использование первичных бухгалтерских, финансовых и других документаций Общества; периодически или регулярно приглашать руководящих лиц Общества и других членов Наблюдательного совета Общества по

бўлган ҳолатларда Қўмита раиси қарори билан Жамиятнинг раҳбар шахсларини, Жамият Кузатув кенгашининг бошқа аъзоларини даврий ёки мунтазам равишда таклиф этиш; Қўмита фикрига кўра масалани чуқурроқ ўрганилишига зарур бўлса, Қўмита ваколатларига тегишли бўлган масала бўйича ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгашининг бошқа қўмиталарининг фикрини талаб қилиб олиш; Қўмита мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш, кун тартибидаги масалалар, қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг алоҳида фикрини Қўмита мажлиси баённомасига киритишни талаб қилиш; Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқлаш учун мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар бериш; Тақдим этилган ҳужжатлар асосида тегишли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш ва Жамият Кузатув кенгаши муҳокамасига киритиш; Қўмита мажлиси кун тартибига киритиш учун масалалар таклиф қилиш.	решению Председателя Комитета в случаях, когда это необходимо для выполнения решений и поручений, входящих в компетенцию Комитета, участвовать в заседаниях Комитета; в случае, если по мнению Комитета, необходимо углубленное изучение вопроса, запрашивать по собственной инициативе мнение других комитетов наблюдательного совета общества по вопросу, отнесенному к полномочиям Комитета; выступать по вопросу, обсуждаемому на заседании Комитета, в сроки, отведенные регламентом, требовать занесения своего особого мнения по вопросам повестки дня, принимаемым решениям в протокол заседания Комитета; внесение предложений о внесении изменений и дополнений в настоящее Положение для утверждения Наблюдательным советом Общества; на основании представленных документов, разработать соответствующие выводы и предложения и вынести их на обсуждение Наблюдательного совета Общества; предложение вопросов для включения в повестку дня заседания Комитета.
5.2. Қўмита аъзоларининг мажбуриятлари: мукофотлаш сиёсатини тасдиқлаш учун Кузатув кенгашига киритиш ҳамда унинг ижросини назорат қилиш; Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Низом, корхона Устави ва ички ҳужжатлари асосида ўзига юклатилган вазифаларни бажариш ҳамда ўз фаолиятини сидқидилдан олиб бориш; Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ва қизиқишларини ҳимоя қилиш принциплари асосида фаолият юргизиш; Жамиятнинг тижорат ва хизмат сирларини ошкор этмаслик ҳамда махфийлик талабларини бажариш.	5.2. Обязанности членов Комитета: внесение политики вознаграждения на утверждение Наблюдательного совета и контроль за ее исполнением; выполнять возложенные на него задачи на основании законов Республики Узбекистан, Устава, и внутренних документов предприятия и вести свою деятельность добросовестно; действие на принципах защиты прав и интересов акционеров Общества; неразглашение коммерческой и служебной тайны Общества и выполнение требований конфиденциальности.

5.3. Қўмитанинг аъзолари Қўмита мажлисида шахсан қатнашишлари шарт. Агар мажлисда қатнашиш имконияти мавжуд бўлмаса, Қўмита аъзоси сабабларини кўрсатган холда Қўмитани бу ҳақда хабардор қилади.	5.3. Члены Комитета обязаны лично присутствовать на заседании Комитета. В случае невозможности участия в заседании член Комитета информирует об этом Комитет с указанием причин.
VI. Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси аъзоларининг жавобгарлиги	**VI. Обязанности членов Комитета по назначениям и вознаграждениям**
6.1. Қўмитанинг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.	6.1. Члены комитета должны действовать в интересах Общества при осуществлении своих прав и выполнении своих обязанностей и нести ответственность в установленном порядке.
6.2. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Қўмитанинг аъзолари жавобгар бўлмайди.	6.2. Члены Комитета, не участвовавшие в голосовании по решению, причинившему ущерб Обществу, либо голосовавшие против этого решения, ответственности не несут.
VII. Якунловчи қоидалар	**VII. Заключительные положения**
7.1.Мазкур Низом Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган санадан эътиборан кучга киради.	7.1. Настоящее Положение вступает в силу с момента его утверждения Наблюдательным советом Общества.
7.2.Ушбу Низом, шунингдек, унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар Жамият Кузатув кенгаши раиси ва Қўмита аъзолари томонидан киритилиши мумкин.	7.2. Настоящее Положение, а также изменения и дополнения к нему утверждаются Наблюдательным советом Общества. Предложения о внесении изменений и дополнений в Положение могут вносить Председатель Наблюдательного совета Общества и члены Комитета.